



# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

## ВЕСТНИК НУУз

### АСТА NUUz

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН**

**2020  
1/3**

**Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
туркуми**

Бош муҳаррир:

**А.Р. МАРАХИМОВ** – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

**Ғ.И. БОТИРОВ** – ф-м.ф.н.

Таҳрир хайъати:

**Сағдуллаев А.С.** – т.ф.д., проф.

**Аширов А.А.** – т.ф.д., проф.

**Баллиева Р.** – т.ф.д., проф.

**Маликов А.М.** – т.ф.д., проф.

**Юсупова Д.Ю.** – т.ф.д., проф.

**Муртазаева Р.Ҳ.** – т.ф.д., проф.

**Мўминов А.Г.** – с.ф.д., проф.

**Ганиева М.Ҳ.** – соц.ф.д., проф.

**Мадаева Ш.О.** – ф.ф.д., проф.

**Мухаммедова Д.Г.** – псих.ф.д.

**Рўзиев Р.Ж.** – с.ф.д., проф.

**Тўхтаев Х.П.** – ф.ф.н., доц.

**Болтабоев Ҳ.** – фил.ф.д., проф.

**Маматов А.** – фил.ф.д., проф.

**Сиддиқова И.А.** – фил.ф.д., проф.

**Джумабаева Ж.Ш.** – фил.ф.д., проф.

**Ширинова Р.Х.** – фил.ф.д., проф.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

*Илҳом АСЛОНОВ,*

*Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти, псих.ф.н.*

*E-mail: [ilhom-aslonov@mail.ru](mailto:ilhom-aslonov@mail.ru)*

### ЯПОНИЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА БИР НАЗАР: ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

#### Аннотация

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида ўтказилаётган ислохотларнинг мақсади мамлакат таълимини янги bosқичга кўтариш, ёш авлодга таълим ва тарбия беришда халқимизнинг бой ва қадимий меъроси, педагогик тажрибасидан самарали фойдаланиш, шу билан бирга, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, энг фойдали таълим услуб ва методларини ўзлаштиришдан иборатдир. Мақолада ўз тарихида таълим тизимидаги ислохотлар эвазига юқори тараққиётга эришган мамлакатларда бири сифатида Япония таълим тизими ҳақида сўз боради. Ўйлаймики, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва таҳлил этиш бугунги кунда мамлакатимиз таълимида кечаётган ислохотларни теранроқ тушунишга ёрдам беради.

**Калит сўзлар:** Таълим тизими, педагогик тажриба, педагогик методлар, жамият, таълим, тарбия, ривожланган мамлакатлар тажрибаси, “Мейдзи ислохотлари” япон тарбияси, халқнинг қадимий меъроси, тараққиёт.

### ВЗГЛЯД НА СИСТЕМУ ОБРАЗОВАНИЯ ЯПОНИИ: ОПЫТ И ПРАКТИКА

#### Аннотация

Цель реформ в системе образования Республики Узбекистан приводящихся сегодня – эффективно использовать богатое и древнее наследие нашего народа, педагогический опыт в сфере образования и воспитания подрастающего поколения и вывести образование страны на новый уровень. Здесь также речь идет об изучении опыта развитых стран и освоение наиболее полезных методов обучения. В статье подчеркивается, что Япония является одной из развитых стран, которая добилась наибольшего прогресса благодаря реформе систем образования. Автор считает, что изучение и анализ опыта зарубежных стран будет способствовать более глубокому пониманию реформ, происходящих в нашей стране.

**Ключевые слова:** Система образования, педагогический опыт, педагогические методы, общество, образования, воспитания, опыт развитых стран, реформы «Мейдзи», японская воспитания, древнее наследие народа, прогресс.

### A LOOK AT JAPANESE EDUCATION SYSTEM: EXPERIENCE AND PRACTICE

#### Abstract

The goal of the reforms in today's educational system of the Republic of Uzbekistan is the effectively use the rich and ancient heritage of our people, pedagogical experience in the sphere of education and upbringing growing up generation and bring the country's education to a new level. In the article we are also talking about learning the experience of highly developed countries and mastering and implementing the most useful teaching methods. The article emphasizes that Japan is one of the countries that has made the most progress and development because of the reform of the educational system. The author believes that the study and analysis of foreign countries experience will contribute to a deeper understanding of the reforms taking place in our country.

**Key words:** The education system, pedagogical experience, pedagogical methods, society, education, upbringing, the experience of developed countries, the Meiji reforms, Japanese upbringing, the ancient heritage of the people, progress.

**КИРИШ.** Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида ўтказилаётган ислохотларнинг мақсади мамлакат таълимини янги bosқичга кўтариш, ёш авлодга таълим ва тарбия беришда халқимизнинг бой ва қадимий меъроси, педагогик тажрибасидан самарали фойдаланиш, шу билан бирга, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, энг фойдали таълим услуб ва методларини ўзлаштиришдан иборатдир.

Мамлакатимиз, томонидан таълимга қаратилаётган эътибор алоҳида эътирофга сазовордир, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг қайта қурилаётганлиги, моддий-техник жиҳатидан жиҳозланаётганлиги, янги типдаги мактаблар ташкил этилаётганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонда узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини давом эттириш масаласи устувор вазифа қилиб белгиланган [2].

Мамлакатимизда илм-фанни рағбатлантириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодий шакллантириш борасида бошлаган ишларни жадал давом эттириш ва янги, замонавий bosқичга кўтариш мақсадида 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили”, деб ном берилди [5].

Президентимиз, мамлакат раҳбарияти томонидан ўқитувчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги шаъни, ҳурматини ўрнига қўйиш, уларни рағбатлантириш борасида қилинаётган



сайи-ҳаракатлар бугунги кунда таълим тизимида фаолият олиб бораётган педагог кадрларнинг ўз касбидан фахр-ифтихор туйғуларини туйишлари билан бир қаторда уларнинг жамият олдидан юксак масъулияти мавжудлигидан далолат беради. Бу сайи-ҳаракатлар жамиятдаги таълимга, мактабга ва ўқитувчига бўлган муносабатни ўзгартиришга, эски тизимнинг маъмурий-бўйруқбозлик усулларидадан воз кечишга қаратилган муҳим кадамдир.

Ўз тарихида таълим тизимидаги ислохотлар эвазига юқори тараққиётга эришган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш бугунги кунда мамлакатимиз таълимида кечаётган ўзгаришларни теранроқ тушунишга ёрдам беради.

Шундай мамлакатлардан бири Япониядир. Биз Япония тажрибасига мурожаат қилишимизнинг боиси шундаки, япон миллатининг урф-одатлари, миллий қадриятлари, оилавий муносабатлари халқимиз қадриятларига яқиндир. Аслида, япон тили туркий тиллар мансуб бўлган Олтой тиллари оиласига киради. Шунинг учун халқларимиз орасида умумийлик бўлиши табиий ҳолдир.

Япония таълимидаги ислохотлар 1867-1868 йилларда бошланган. Бу давр тарихда “Мэйдзи эраси” деб юритилади. Мамлакатда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар бошида Япониянинг 122 чи императори Муцухито туради.

1872 йилда Японияда «Таълим ҳақида Қонун» қабул қилинди. Бу қонунда Япония таълими Ғарб таълими билан уйғуллаштирилди. Япония конституциясининг 26-моддасига 1947 йилда ўзгартириш киритилган, бунга мувофиқ таълим олиш ҳуқуқи куйидагича таҳрир этилган: «Барча қонунда кўзда тутилган тартибда, ўз қобилиятига мос равишда таълим олиш ҳуқуқига эга. Барча ўз қарамоғида бўлган болаларнинг мажбурий таълим олишини таъминлаши зарур. Мажбурий таълим бепул амалга оширилади» [6].

Таълим-тарбия жараёни беъвосита оиладан бошланади. Япон оиласидаги миллий қадриятлар ўзбек оилаларидагига ўхшаш. Яъни, катта ёшлиларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром, ўғил болалар ва қиз болалар тарбиясига алоҳида ёндашув (ўғил болаларни оила таянчи сифатида тарбиялашса, қиз болаларни кўпроқ уй юмушларига ўргатишди) мавжуд.

Ўғил болалар учун уюштирилладиган “ўғил болалар куни” миллий байрамида турли рангдаги “карп”(сазан) балиғи расмини осмонга кўтаришди – бу балиқ узоқ вақт оқимга қарши суза олади ва келажакда ҳаётий қийинчиликларни енгиб ўтиши лозим бўлган эркаклар йўлини акс эттирувчи тимсол бўлиб ҳисобланади. Мактабда ҳам ўғил болалар ва қизлар ўртасидаги фарқ яққол намоён бўлади – ўғил болалар дарсдан сўнг таълим жараёнини турли тўғарақларда давом эттирсалар, қизлар беъмалол емакхонада ўтиришлари мумкин [7].

Замонавий япон оиласи бир қанча ўзига хосликни сақлаб келади, уларнинг энг асосийси – патриархаллик. Аънавий япон оиласи бу – она, ота ва икки фарзанд. Авваллари оилавий роллар аниқ дифференциялашган эди: эр – боқувчи, хотин – уй бекаси, аммо кейинги пайтларда ғарб маданиятининг таъсири сезила бошлади, япон аёллари оилавий мажбуриятларни иш билан қўшиб олиб боришга ҳаракат қилишмоқда, аммо эркаклар билан тенглашишга уларга ҳали анча бор, ҳозирда ҳам уларнинг асосий вазифаси уй ва болалар тарбияси, эркаклар эса доимо иш билан банд.

Хотинга нисбатан кенг ишлатилладиган мурожаат “канай” сўзининг туб маъноси “уй ичида” деган иборани, эрга нисбатан ишлатилладиган “сюдзин” сўзи эса “бош одам”, “хўжайин” деган маънони билдиради. Оиладаги бу тартиб болаларга муносабатда ҳам акс этади. Япон тилида “ака” ва “опа” сўзлари йўқ. Улар ўрнида “ани” (катта ака), “отгоото” (кичик ака), “анэ” (катта опа), “имоото” (кичик опа) сўзлари қўлланилади, яъни ҳар бир фарзанднинг ўрни аниқ белгиланган. Шу тарзда оила аъзоларининг юқорида ва куйида туриши ғояси бола онгида маҳкам ўрнашган, бош ўғилни бошқаларидан кўра алоҳида ажратишди, унинг ҳуқуқлари кўпроқ, шу билан бир қаторда мажбуриятлари ҳам кўп, албатта. Ота-онани ҳурмат қилиш, кенг маънодаги катталар иродасига бўйсунуш – мана шу японлар тафаккуридаги инсоннинг энг муҳим ахлоқий мажбуриятидир.

Гўдаклик даврида японлар болага ҳеч нарсани таъқиқлашмайди, катталардан улар фақат “хавфли”, “ёмон” каби огоҳлантиришларни эшитишди. Агар бола барибир қоқилиб йиқилса, она ўзини айбдор ҳис қилади ва уни эҳтиёт қилолмагани учун боласидан кечирим сўрайди. Болалар юра бошлаганда уларни ҳеч қачон қаровсиз қолдиришмайди. “Ҳамма нарса мумкин” бўлган давр фақат 5 ёшгача давом этади. Шу давргача японлар болаларга “подшодай” муносабатда бўлишди. 5 ёшдан 15 ёшгача эса “қулдек” муносабатда бўлишди. Кейин эса “дўст” бўлишди. Бу шарқона ҳикмат бизга ҳам нотаниш эмас, аммо фарқи шундаки, японлар бунга қатъий риоя этишди. 15 ёшли ўсмир ўз мажбуриятларини яхши биладиган, қондаларга қатъий риоя этадиган “катта одам” сифатида қабул қилинади.

Япон тарбиясининг “ажабтовурлиги” ҳам шундаки, болалигида ҳамма нарсага руҳсат берилган боладан келгусида интизомли ва қонунларга итоат этувчи фуқаро шаклланади. Бу ҳолатни кўр-кўрона бошқа бир мамлакат учун тағибик этиш нотўғри бўларди, чунки бу ҳолатни япон дунёқараши ҳамда турмуш тарзидан айро ҳолда кўриб бўлмайди. Ҳа, кичкина болага бу юртда ҳамма нарсага руҳсат берилади, аммо 5-6 ёшда бола маълум бир вазиятда қандай ҳатти-ҳаракат қилиш аниқ белгилаб қўйилган, жуда қатъий қоида ва чекловлар тизими муҳитига тушади. Бу қондаларга риоя этмасликнинг иложи йўқ, чунки уларга ҳамма бўйсунди, бошқача йўл тутиш “ўз қиёфасини йўқотиш”, жамоадан ажралишни англатади. “Ҳамма нарса ўз вақти соати билан” – япон дунёқарашининг асосий тамойилларидан биридир. Болалар буни илк ёшлариданоқ ўзлаштирадilar.



Японлар болага нисбатан овозларини баландлатишмайди, жисмоний жазо у ёқда турсин, уларга танбех ҳам беришмайди. Четдан караганда улар болаларни умуман тергамаётгандек туюлади, аммо, ҳамма нарсани сўз билан ифодаласлик япон нутқ маданиятининг ўзига хос жиҳати билан боғлиқдир. Шунинг учун японлар суҳбатдошнинг кайфиятини, унинг ҳақиқий муносабатини интуитив ҳис қилишга мойилдирлар. Япон аёли болалари устидан ҳукм ўтказишга ҳаракат қилмайди, уларнинг фикрича, бу нарса уларнинг бегоналашишига олиб келади. Оналар болалар хоҳиш – иродаси билан рақобатга киришишмайди, балки, ўз норозилиklarини билвосита англатишга ҳаракат қилишади: боланинг номақбул ҳатти-ҳаракати уларни жуда хафа қилганлигини билдиришади. Зиддиятлар юзага келганида улар боладан узоқлашмайдилар, аксинча, уларни бошқаришнинг асосий воситаси сифатида ўртадаги эмоционал алоқани кучайтирадилар.

Жамиятда ўзини тутишни ўз мисолида намойиш этиш, ўрناق кўрсатиш – энг муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Болалар ўз оналарини шу даражада юқори ўринга қўйишадик, уларни хафа қилганликларидан қаттиқ айбдорлик ҳиссини туюшади. Энг оғир маънавий жазолаш усулини “бегоналашув таҳдиди” - деб аташ мумкин. Оиладан ажратиш ёки гуруҳдан ҳайдалиш япон болалари учун энг даҳшатли жазодир, чунки японлар ўзини жамоадан айро ҳолда тасаввур эта олмайдилар. Японча ахлоқий қонда шундай тарбия беради: “ўзинг мансуб бўлган гуруҳингни топ, унга содиқ бўл ва суян. Ёлғиз бўлсанг сен ҳаёт сўқмоқларида адашсан, ҳаётдаги ўрнингни топа олмайсан”. Ғарб индивидуализмидан фарқли ўларок, японлар жамоавийликни афзал кўрадилар ва болаларда айнан шу сифатни тарбиялашади.

Европалик ота-оналар билан солиштирганда японлар бола тарбиясига нисбатан ғайратлироқ ҳамда тиришқоқдирлар. Бу борада улар ўзларининг болаларга нисбатан хотиржам ва эътиборли эканликларини намойиш этадилар, кичкина болага уни қизиқтирган саволини тушунтириб бериш учун улар албатта зарур даражада вақт ажратадилар.

Японияда анъанавий тарзда болаларни “яратганнинг тортиғи” деб қабул қилишади ва болани тушуниш қобилиятига жуда катта аҳамият беришади. Японлар авлоддан-авлодга тарбиянинг асосий қондасини етказишади – болаларни тарбиялашда уларнинг характеридаги ижобий сифатларни ривожлантиришга ҳаракат қилиш. Асосий урғу одамларга, ҳайвонларга нисбатан меҳрли, олийжаноб муносабатда бўлиш, табиатга эҳтиёткорона муносабат, гўзаллик ва улуғворлик ҳисларини тарбиялашга, ўз-ўзини назорат, жамият ривожига ўз ҳиссасини қўшиш каби замонавий кишилар учун зарур сифатларни шакллантиришга қаратилади [3].

Японлар биринчилардан бўлиб, гўдакликдан бошлаб тарбиялаш зарурлиги ҳақида гапира бошлашган. Бундан 50 йил илгари мамлакатда “Уч ёшдан кейин кеч” деган китоб нашр этилган бўлиб у япон педагогикасида тўнгариш ясади. Унинг муаллифи, Масару Ибука – “Талантлар тарбияси” ташкилоти директори ва дунёга машҳур “Сони” фирмаси яратувчиси бўлиб ҳисобланади. Китобда айтилишича, биринчи уч йилликда бола шахсининг пойдевори қўйилади. Кичкина болалар барча нарсани жуда тез ўзлаштирадилар, ота-онанинг асосий вазифаси боланинг ўз қобилиятларини юзага чиқариши учун шароит яратишдир.

Тарбияда қўйидаги тамойилларга риоя қилиш лозим: кичкинтойнинг қизиқишини уйғотиш орқали унинг тафаккурини ривожлантиришга ҳаракат қилиш, характери тарбиялаш, ижодкорликни ва турли малакаларни ривожланишига тўртки бериш. Бунда “гений”ларни тарбиялаш мақсади қўйилмайди, балки, боланинг чуқур тафаккур ва соғлом танага эга бўлиши, ақлли ва меҳрибон бўлиши учун зарур бўлган таълимни беришга ҳаракат қилишдир.

Япон педагогикасининг асосий вазифаси – жамоа билан яқдил меҳнат қила оладиган инсонни тарбиялашдир. Болаларни очик рақобат қилишдан қочишга ўргатишади, чунки бирининг ғалабаси бошқасининг мағлубиятидир.

Шу ўринда, япон боғчаларининг ўзига хос томонларига ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Мактабгача таълим муассасаларининг 59,9 фоизи хусусий, 40,8 фоизи муниципал, 0,3 фоизи эса давлат муассасаларидир. Болалар 3-5 ёшдан боғчага боришади. Уларни 8 кишилик гуруҳ(хан)ларга бириктиришади. Япон боғчаларида боланинг “ўз иш жойи” мавжуд, яъни япон болалари боғчага “ишга” боришади. Бу ҳолат уларда гўдакликдан масъулият ҳиссини тарбиялашга қаратилган. Аввал таъкидлаганимиздек, гуруҳларда индивидуалликдан кўра жамоавийликни тарбиялашга кўпроқ аҳамият беришади. Ҳар беш ойда боланинг гуруҳ(хан)и ўзгартирилади. Агар бола 2 йил боғчада бўлса, демек у 4 та гуруҳга қўшилади. Турли характердаги болалар билан мулоқотга киришув ҳамда биргаликдаги фаолият болада келажакда ижтимоий мослашув кўникмаларини шакллантиришга қаратилган. Бизда ота-оналар кўпинча болани бир гуруҳдан бошқа гуруҳга ўтказишга қатъий қаршилик кўрсатишади. Аммо, илк болалик даврида бола психологик жиҳатдан анча эгилувчан, мослашувчан бўлиб, ўзгаришларга тез кўникади, шу хусусиятдан фойдаланган ҳолда болаларда ижтимоий адаптацияни ривожлантириш масаласи шахс шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари билан суҳбатда айрим боғчаларимизда худди шундай тажриба жорий этилаётганлиги айтиб ўтишди. Ўйлаймизки, юқоридаги тажрибани бошқа муассасаларда ҳам оммалаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Японияда мактаб таълими тизими уч босқичга бўлинади: бошланғич мактаб (сёгакко:), ўрта мактаб (тёгакко:) юқори мактаб (котогакко:).

1908 йил Японияда бошланғич таълим мажбурий 6 йилликка айланттирилди. Бошланғич таълим жараёнида кўп ҳолларда битта ўқитувчи ҳар бир синфдаги барча фанларни ўқитади. Синфдаги ўқувчилар сони одатда



40 тани ташкил қилади. Бирок, ўтмишда, аҳолининг тезкор ўсиши туфайли, бу рақам жуда юқори, яъни бир синфга 50 та ўқувчи тўғри келган.

Япон мактаблари учун умумий ҳисобланган дарсликлар йўқ, таълим вазирлиги дарсликларни фақат тавсия этиши мумкин. Қандай ўқув адабиётларидан фойдаланиш ва қандай махсус фанларни ўқув жараёнига киритишни фақат мактабнинг ўзи ҳал қилади. Мактаб формасини ҳам ҳар бир мактаб ўзи танлайди.

Бошланғич таълимда болалар давлат ҳисобидаги 1945 “канджи” иероглифдан 1006 тасини ёд олиши керак. “Канджи” билан бир қаторда, Японияда яна иккита алифбо тури “хирагана” ва “катакана” мавжуд. Бошланғич мактабда ушбу алифболар ҳам ўрганилади. Ҳар бир тўпламда 46 та белгилар мавжуд. Оригинал товушларни ўзгартириш учун ишлатиладиган аниқ нуқталар билан бирлашган ҳолда, бу белгилар замонавий япон тилининг барча товушларини ифодалаш учун старли. “Хирагана” оддий японча сўзларни ёзиш учун канджи билан биргаликда ишлатилади. “Катакана” бошқа тиллардан олинган сўзларни, бегона одамлар ва жойлар, товушлар ва ҳайвонларнинг ҳайқирикларини ёзиш учун ишлатилади. Биринчи синфдан бошлаб, “давлат тили” ёки “она тили” (ко:ко) дарси ўтилади, бу нафақат замонавий тил балки, ўрта асрлар ва қадимий япон тилидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда замонавий авлод тарбиясида уларнинг классик ўзбек тилини, Навоий ва Бобур асарлари тилини яхшироқ тушунишларини таъминлаш мақсадида кичик синфлардан бошлаб, классик ўзбек тили бўйича билимлар бериб бориш мақсадга мувофиқ бўларди деб, ўйлаймиз.

Кичик ўрта мактаб 3 та синф 7, 8, 9-синфларни ўз ичига олади ва мажбурий таълимнинг охиригача босқичи бўлиб ҳисобланади. Японликлар фарзандларининг энг яхши, юқори таълим олишини жуда ҳоҳлайдилар. Таълимга бундай катта эътибор “Дзюку” мактабларининг яратилишига асос бўлди. “Дзюку” – нуфузли ўқув муассасаларига тайёрловчи махсус кечки мактаблардир. Шунга ўхшаш мактаблар XVIII асрда япон черковида пайдо бўлган, ҳозирги кунда Японияда дзюкулар сони 100 мингдан ошиқ.

“Кичик дзюку”лар 5-6 ўқувчидан иборат бўлиб, ўқитувчининг уйида ташкил этилади. “Катта дзюку”лар 5 минггача ўқувчиларни йиғади. Ўқиш бу мактабларда соат 16:50 дан 20:50 гача давом этади, дарслар душанбадан жумагача бўлади, ҳафталик назоратни одатда якшанба эрталабга белгиланади. Японияда “дзюку” мактаби ота-она учун жуда қимматга тушади. Оилада битта бола бўлганда ҳам бу таълимга сарфланган маблағ оиланинг 20% бюджетини ташкил этади. Масалан, машҳур «Кавай дзюку» юқори мактаб ўқувчиси ота-онаси учун 1 миллион иенга тушади (60 млн сўмга яқин). Аммо бундай мактабларга қатнамаган ўқувчилар кўп томондан ютқазилмади.

Дорилфунунларга катта ўрта мактабни ёки 12 йиллик юқори мактабни тугатган ўқувчилар қабул қилинади. Японияда 460 та университет бўлиб, 95 таси давлат тасарруфида, 34 таси муниципал, 331 таси хусусий. Биринчи тоифадаги университетларда ҳар бир ўқитувчига 8 нафар, иккинчи тоифали университетларда эса 20 тадан талаба тўғри келади. Университетларга қабул қилиш икки босқичга бўлинади.

Имтиҳоннинг биринчи босқичи ўқувчининг турар жойида ўтказилади: бунинг учун улар япон тили, эски япон тили, математика, физика, кимё, жамиятшунослик, тарих бўйича тест синовларидан ўтадилар. Бу синовлардан ўтган ўқувчилар университетларга йулланма оладилар ва иккинчи босқич синовларидан ўтадилар. Ҳар бир босқич жуда катта курашлар жараёнида кечади. Бу босқич ўқувчилар орасида “нюгаку сэнсэ” – “кириш учун кураш” деб аталади.

Орзусидаги университетга кира олмаган баъзи ўқувчилар ўз ҳаётининг моҳиятини йўқотгандек ҳис қилишади. Японияда ҳар йили маълум миқдорда имтиҳондан ўтолмаган ўқувчилар суициди ҳолатлари қайд этилади. Япония таълим вазирлигининг асосий муаммоларидан бири шу билан боғлиқ, лекин ҳалигача бунинг олдини олиш чораси топилмади.

Хусусий университетларга эса тўғридан-тўғри тест топширилади. Университетдан талабаларни ҳайдаб юбориш мумкин эмас. Лекин ўқиш муддатини чўзиш мумкин (4 йиллик ўқиш 5-6 йилгача чўзилиб кетиши мумкин).

Япония мактаблари ҳақида баъзи қизиқарли маълумотларни келтириб ўтаемиз:

деярли барча ўрта мактаблар ўқувчиларига мактаб формасини (сеифуку) кийишни талаб қилади.

бошланғич ва ўрта мактабларда тушлик (кюшоку) стандартлаштирилган таомномада тақдим этилади ва синфда ейилади. Шундай қилиб, ўқувчилар ва ўқитувчилар биргаликда овқатланишлари вақтида самарали алоқалар ўрнатади.

ўқувчилар Японияда дарсларни ўтказиб юбормайди ва мактабга кечикиб келмайди. Агарда бола мактабга бора олмаса, оила аъзоларидан кимдир мактабга бориши ўтилган дарслар материаллари ҳамда уй вазифаларини олиб келиши, болага тушунтириши лозим.

Японияда ўқиётган ўқувчилар мактабга тегишли бўлган кучли муҳаббат туйғусига эга, улар мактабга нисбатан ҳеч қачон ўзларини бегона одамлар каби ҳис қилмайди. Японияда ўқувчилар аслида мактабда ўзини бахтли ҳис қилади (уларнинг 85 фоизи).

мактабда фаррошлар йўқ – синфни (мактаб биносини) болалар тоза тутадилар.

одатда захира ўқитувчилар йўқ, мабодо ўқитувчи касал бўлиб қолса, болалар синфда ўзлари шуғулланадилар уларга ҳеч ким қарамайди.

юқори синф қизларига сочи ёйиб юриш ва декоратив косметикадан фойдаланиш ман этилади. Улар тиззадан пастга тушадиган юбка кийишади.

Хулоса. Таълим Японияда оила, жамият ва давлат томонидан қўллаб-қувватланган – “илоҳ” даражасига кўтарилган, чунки, мамлакатда қабул қилинган “умрбод ёлланиш” тамойили инсонга жамиятда муносиб жойни эгаллаш учун фақат бир марта имконият беради ва яхши таълим олиш шу имкониятни муваффақиятли бўлиши учун кафолат яратади.

Япон мактабларининг аънавий мақсади таълим беришдан кўра кўпроқ тарбиялашга қаратилган, зеро, халқ орасида “олим бўлишдан кўра яхши одам бўлиш афзалроқдир”, деган ибора мавжуд. Бу мақсад кичик мактаб ёшидаги синфларда ўқув режаларига киритилган махсус фанлар орқали амалга оширилади.

Инсоннинг шахс бўлиб шаклланиши жараёни, унинг халқ аънавий маданиятига ошно бўлиши, кичик ёшдан бошлаб қабул қилинган меъёрларга ўргатилиши ўзининг ижобий натижасини беради. Японияда болаларда ўз мамлакати аънаваларига нисбатан боғлиқлик ҳиссини шакллантириш мақсадида улар учун жуда кўплаб байрамлар ташкил этилади [4].

Кунчиқар мамлакатида бугунги кун дунё мамлакатлари учун умумий бўлган, ёшларнинг катталар танқидини қабул қилмаслик ҳолатлари, катталарга, шу жумладан, ота-оналарга нисбатан агрессив муносабатлар, ўсмирлар ўртасида суициднинг ўсиши каби бир қанча салбий ҳолатлар ҳам учрайди, албатта. Аммо, ўртадаги фарқларга қарамадан, японлардан болаларга нисбатан ғамхўрлик, янги авлод муаммоларига эътибор, ота-оналарнинг бола тақдири учун юқори масъулияти, оилавий аънаваларга бўлган ҳурмат каби сифатларни ўрнатган сифатида қабул қилса арзийди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида кечаётган ислохотлар халқимиз томонидан жуда ижобий қабул қилинаёпти. Таълимга нисбатан бўлган дунёқараш ўзгариб бормоқда. Албатта, биз доно халқимиз асрлар давомида таълим-тарбия соҳасида эришган катта билим ҳамда тажрибаларга асосланамиз, аммо тараққий этиб бораётган дунё таълим- тарбия соҳасида ҳам янги, инновацион ғоялар, ноанъавий ёндашувларни жорий этишни талаб этмоқда. Мазкур ўзгаришларга ҳолисона баҳо бериш, камчиликларга йўл қўймамаслик учун биз таълим соҳасидаги хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳар томонлама ўрганишимиз ва таълим тизими сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим саналган хулосалар чиқаришимиз фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлаймиз.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
2. Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Lex.uz
3. Корецкая, С.В. Семейное воспитание в традиционных культурах: На материале Японии и Северного Кавказа/ С.В. Корецкая. – диссертация на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. –Владикавказ, 2003.
4. Накасонэ Я. Государственная стратегия Японии в 21 веке: Пер. с яп. М., 2001.
5. <https://www.norma.uz>
6. <http://www.konspekt.biz/index.php?text=54199>
7. <http://journalpro.ru/articles/priority-semeynogo-vozpitanija-v-yaponii/>